


**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2025 йил иккинчи ярмида
тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори**


Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 3.1-банди ижросини ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг шу даврга мўлжалланган иш режасининг 2.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йил иккинчи ярмида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида 2025 йил иккинчи ярмида тафтиш тартибидаги шикоятлар (протестлар) асосида 1 060 та иш ўрганилган, тафтиш инстанциясида **157** та иш кўрилган бўлиб, **93** та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, **64** та иш бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган.



Жами бекор қилинган 64 та суд ҳужжатларидан **34** таси бўйича қуйи судларнинг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, **12** таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун қуйи инстанция судларига (шундан, 3 таси биринчи инстанцияга, 5 таси апелляция инстанциясига, 3 таси тафтиш инстанциясига) юборилган ҳамда **15** та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг **14** та ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг 1 та қарори ўз кучида қолдирилган. Шунингдек, 2 та ишда суд қарорлари бекор қилиниб, ариза бўйича иш юритиш тугатилган, 1 та ишда эса суд қарорлари бекор қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган. Якуний қарорлар қабул қилиш кўрсаткичи **81** фоизни ташкил этган.

Жами 64 та бекор



2025 йил иккинчи ярмида суд қарорлари бекор қилинган ишлар ҳудудлар кесимидаги таҳлилидан кўринишича, Тошкент шаҳрида 22 та, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 5 тадан, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида 4 тадан, Қорақалпоғистон Республикасида 3 та, Жиззах ва Наманган вилоятларида 2 тадан, Сурхондарё вилоятида 1 та суд ҳужжатлари бекор қилинган.

Бекор қилинган суд қарорларининг аксарият қисмини **ер** соҳасидаги низолар 26 та (Тошкент ва Самарқанд вилоятларида 4 та дан, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 3 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида 2 тадан, Қашқадарё, Жиззах ва Наманган вилоятларида 1 тадан), 15 тасини **солиқ** низолари (Тошкент шаҳрида 8 та, Қорақалпоғистон Республикасида 2 та, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сирдарё вилоятларида 1 тадан), 9 тасини **ижро** ҳаракатлари билан боғлиқ низолар (Тошкент шаҳрида 2 та, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида 1 тадан), 4 тасини рақобат ишлари (Тошкент шаҳар ва Навоий вилоятида 2 тадан), қолган 10 таси **бошқа** тоифадаги ишларни ташкил қилган.

Судлов ҳайъатида жами 93 та, шу жумладан Тошкент шаҳрида 36 та, Тошкент вилоятида 8 та, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида 7 тадан, Хоразм вилоятида 6 та, Наманган вилоятида 5 та, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 4 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоятида 3 тадан, Навоий вилоятида 2 та ҳамда Жиззах вилоятида 1 та ишлари бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд амалиёти обзори тайёрлаш натижаларидан кўринишича, судлар томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаслиги, иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаслиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши ёки бузилиши суд қарорлари бекор қилинишига сабаб бўлган.

Муайян ишлар бўйича суд қарорлари бекор қилинишига асос бўлган ҳолатлар қуйидаги ишлар мисолида келтирилади:

Процессуал ҳуқуқ нормасига риоя этилиши

Суднинг айтиши билан бир шахслар ўртасидаги, айтиши билан бир предмет бўйича ва айтиши билан бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган тақдирдагина ариза қабул қилишдан рад этилиши мумкин, бунда суд дастлаб қўрилган иш бўйича ариза билан кейинги аризадаги асослар бир хил эканлигини текшириш шарт.

Аризачи С.М. судга жавобгар Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси давлат ижрочисининг 2023 йилдаги “Мол-мулкни электрон онлайн-аукционда сотиш учун чиқариш бўйича”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, бузилган ҳуқуқини бартараф этиш юзасидан қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш мажбуриятини юклаш ҳақида ариза билан мурожаат қилган.

Наманган туманлараро маъмурий судининг 2025 йил 5 сентябрдаги ажрими билан аризани иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Наманган вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2025 йил 30 сентябрдаги қарори билан ажрим ўзгаришсиз қолдирилган.

Шу суд тафтиш инстанциясининг 2025 йил 23 октябрдаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, муқаддам С.М.нинг давлат ижрочисининг юқорида кўрсатилган қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва жавобгар зиммасига бузилган ҳуқуқни бартараф этиш юзасидан қонунга мувофиқ ҳаракат қилиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси Наманган туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 15 апрелдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад этилган.

С.М. ушбу аризасида давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос сифатида давлат ижрочиси томонидан гаровдаги мулк хатланганда ўзбошимчалик билан қўрилган бостирма хатланмаганлиги, қўшимча қўрилишлар қилингандан кейин гаровга олувчининг розилиги билан кадастр ҳужжатлари янгиланиб, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, давлат ижрочиси томонидан мулк ушбу кадастр ҳужжатлари билан савдога қўйилиши келгусида мулкни сотиб оладиган шахс билан ўрталарида низо келтириб чиқариши мумкинлиги каби асослар келтирган бўлган ва суд томонидан ҳам ариза унда кўрсатилган асослар доирасида муҳокама қилинган.

С.М. кейинчалик судга давлат ижрочисининг айнан шу қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қайта ариза билан мурожаат қилишда аризада бошқа асос келтирган.

Жумладан, аризада Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 22 апрелдаги “Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, гаровдаги мулк суд томонидан мажбурий баҳолашдан ўтказилиши, мулкни реализация қилиш бошланғич баҳоси суд қарори билан белгиланиши белгиланганлиги сабабли сотувга қўйилган гаровдаги мулк қайта баҳоланиши лозим деб ҳисобланиши асос сифатида кўрсатилиб, давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш сўралган.

Бирок, судлар томонидан С.М. судга давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида аввал берган аризаси билан мазкур иш доирасида берилган аризасидаги асослар бошқа-бошқа эканлиги инобатга олинмаган.

Оқибатда суд аризани МСИЮТК 133-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра иш юритишга қабул қилишни рад этиш ҳақида, апелляция ва тафтиш инстанциялари эса ушбу ажримни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келганлар.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 12 декабрдаги қарори билан қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

5-1601-2503/820-сонли иш

Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши сўралган суд ҳужжатининг қабул қилинишига асос бўлган маъмурий ёки иқтисодий суднинг, фуқаролик ёки жиноят ишлари бўйича суднинг суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжати бекор қилиниши (ҳақиқий эмас деб топилиши), ушбу суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўришга асос бўлади.

Гулистон туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 23 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан аризачи Ш.Ш.нинг жавобгар кадастр органи мансабдор шахсларининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва мажбурият юклаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Сирдарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2025 йил 19 февралдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Гулистон туманлараро маъмурий судининг 2025 йил 10 январдаги ажрими билан Давлат кадастрлари

палатаси вилоят бошқармасининг шу суднинг 2022 йил 23 ноябрдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Сирдарё вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2025 йил 2 апрелдаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро судининг 2015 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар Ш.Ш. билан жавобгар Э.Э. ўрталарида тузилган Сирдарё туманидаги 10-уй олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилган.

Ушбу суднинг қарори асосида аризачи Ш.Ш.нинг Ягона интерактив давлат хизматлар портали орқали 2022 йилнинг 22 апрель, 5 ва 13 сентябрь ҳамда 6 октябрда Сирдарё туманидаги 10-уй учун кадастр паспортини расмийлаштириб бериш ҳақидаги мурожаатлари кадастр органи томонидан рад қилинган.

Бундан норози бўлган Ш.Ш. судга ариза билан мурожаат қилиб, кадастр органи мансабдор шахсларининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Гулистон туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 23 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан Ш.Ш.нинг аризаси қаноатлантирилиб, кадастр органи зиммасига фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро судининг 2015 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан Сирдарё туманидаги 10-уй ва ушбу уй жойлашган ер участкасига аризачининг номига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб, давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилган.

Бироқ, суднинг бундай хулосаларига асос бўлган фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро судининг 2015 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарори, фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 4 майдаги ажримига асосан бекор қилинган ва иш бўйича даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган, яъни бу вақтда суд хулосаларига асос бўлган фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган бўлиб, у қонуний кучга эга бўлмаган.

Ушбу асосда кадастр органи ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни сўраган.

Гарчанд фуқаролик иши бўйича кадастр органи тараф бўлмаган, суд мажлисларида иштирок этмаган бўлиб, суднинг бу қарори ҳақида унга маълум бўлмаган бўлса-да, судлар томонидан ушбу ҳолат инобатга олинмаган.

Натижада, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 25 июлдаги қарори билан қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, кадастр органининг аризаси қаноатлантирилган.

5-1201-2201/540-сонли иш

Иш маъмурий судга, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий

судга тааллуқли бўлмаса, аризани иш юритишга қабул қилиш рад этилади, қабул қилинган бўлса, ариза бўйича иш юритиш тугатилади.

Жиззах туманлараро маъмурий судининг 2025 йил 9 январдаги ҳал қилув қарори билан аризачи Ю.Ю.нинг жавобгар туман солиқ инспекциясига нисбатан мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиб, ҳисобланган солиқларни бекор қилиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Жиззах вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2025 йил 18 февралдаги ҳамда тафтиш инстанциясининг 2025 йил 12 июндаги қарорлари билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, 2023 йил 21 октябрда аризачи Ю.Ю.нинг номига расмийлаштирилган уяли телефон рақамига мол-мулк ва ер солиғидан 597 294 сўм, у тўланмагандан сўнг 2023 йил 21 ноябрда 4 532 614 сўм қарздорликни тўлаш лозимлиги ҳақида СМС-хабарнома юборилган.

Солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчининг 2023 йил 25 ноябрь ҳолатига ер солиғидан 1 517 364,8 сўм қарзи, унга 1 811 237,77 сўм пеня ва 713 615,9 сўм СОРЖ, жами 4 042 254,47 сўм ҳисобланиб, шу куни ушбу қарздорликни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга суд буйруғи бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилинган.

Ю.Ю. ушбу сумманинг фақат 1 517 364,8 сўм ер солиғини 2023 йил 25 декабрда тўлаган.

Юқоридаги ҳолатдан норози бўлган аризачи солиқ органи сунъий равишда қарздорликни 4 532 614 сўмга ошириб юборганлиги, 2023 йил 21 ноябрга қадар бирор марта ҳам огоҳлантирилмаганлиги ҳамда солиқ тўлашнинг беш йиллик даври тугаган бўлишига қарамай 2018 йил, яъни олтинчи йил учун ҳам солиқ ҳисобланиши қонунга зид эканлигини кўрсатиб, ариза билан судга мурожаат қилган.

МСИЮтК 26-моддасининг биринчи қисмига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 6-бандига кўра, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари

ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Мазкур ҳолатда туман солиқ инспекциясининг Ю.Ю.га кадастр органи маълумотномасига асосан солиқларни ҳисоблашини ўзи тўғридан-тўғри ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарадиган маъмурий органнинг қарори ёки мансабдор шахсининг ҳаракати ҳисобланмайди, унга бирон-бир мажбуриятлар юкламайди ва унинг ҳуқуқларини бузмайди.

Бундай ҳаракатларни қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги низолар маъмурий судга, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга тааллуқли эмас.

Биринчи инстанция суди солиқ инспекциясининг ҳаракатлари билан Ю.Ю.нинг қандай ҳуқуқлари бузилганлигини, солиқларни ҳисобланишида ифодаланган ҳаракатлар ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши ёки чиқармаслигини ўрганмасдан, ишни мазмунан кўриб, процессуал қонун талабларини бузган ҳолда ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари ҳам суднинг бу хатоликларига эътибор қаратмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулоса келганлар.

Шунга кўра, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 19 декабрдаги қарори билан қуйи инстанция суди қарорлари бекор қилиниб, Ю.Ю.нинг туман солиқ инспекцияси мансабдор шахсларининг солиқлар, пеня ва жарима ҳисоблашда ифодаланган ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий иш иш юритишдан тугатилган.

5-1301-2410/713-сонли иш

Моддий ҳуқуқ нормасига риоя этилиши

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, далилларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан аризачи А.А.нинг жавобгар Мажбурий ижро бюроси туман бўлими давлат ижрочисининг 2023 йилдаги “Мол-мулкни электрон онлайн-аукционда сотиш учун чиқариш тўғрисида”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, жавобгар зиммасига мажбурият юклаш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 6 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Шу суд тафтиш инстанциясининг 2025 йил 17 январдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2022 йил 11 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан, жавобгар Х.М.дан даъвогар А.А.нинг фойдасига жами 945 100 000 сўм қарз ва унга ҳисобланган фоизни ундириш белгиланган.

Суд қарорига асосан берилган ижро варақаси бўйича Мажбурий ижро бюроси туман бўлими томонидан 2022 йил 17 декабрда “Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида” қарор қабул қилинган.

Ижро ҳаракатларини олиб бориш жараёнида қарздор Х.М.нинг номига Учтепа туманидаги 10-хонадон рўйхатга олинганлиги аниқланиб, нотариал ҳаракатларни амалга оширмаслик учун барча тақиқлар қўйилган.

Ижро ҳужжатлари бўйича 2023 йил 4 августдаги кўчмас мулкни ҳатлаш ва кўздан кечириш тўғрисидаги далолатномасига асосан қарздор Х.М.нинг номидаги хонадон хатланиб кўздан кечирилган, шу куни Х.М. ёзган тушунтириш хатида 945 100 000 сўм қарздорликни 2023 йил 11 август кунига қадар қоплай олмаса, ижро ҳаракатларини 10-хонадонга қаратишга розилигини билдирган.

Кейинчалик давлат ижрочиси томонидан хатланган уй мутахассис томонидан 4 400 068 000 сўм деб баҳоланган бўлиб, тарафлардан унинг баҳосига бирон-бир эътироз келиб тушмаганлиги сабабли, давлат ижрочисининг 2023 йил 17 августдаги қарорига асосан Х.М. номидаги 10-хонадоннинг бошланғич баҳоси 4 400 068 000 сўм деб белгиланган ва электрон онлайн-аукцион орқали сотувга чиқарилган.

Шу билан бирга, муқаддам Х.М. ҳам низолашилган қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб, судга мурожаат қилган. Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан унинг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Ушбу суднинг ҳал қилув қарорига кўра, судда мазкур ишдаги аризачи А.А. учинчи шахс сифатида иштирок этган бўлиб, низолашилган қарор ва унинг мазмунидан хабардор бўлган бўлса-да, судга қонунда белгиланган муддатда мурожаат қилмаган.

Бироқ, апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари баҳолаш қонунчилик талабларига зид равишда баҳоловчи томонидан қўшма қарорда кўрсатилган формуладан фойдаланилмаган ҳолда ўтказилганлиги, баҳолаш хулосаси А.А.га тақдим этилмаганлиги ва аризачи судга ариза билан мурожаат этиш муддатларини ўтказиб юбормаганлиги ҳақида нотўғри хулосага келганлар.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 7 ноябрдаги қарори билан апелляция ва тафтиш инстанциясининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

5-1001-2409/2195-сонли иш

**Сайёр солиқ текшируви
материаллари солиқ текширувини
ўтказган солиқ органининг раҳбари
(раҳбар ўринбосари) томонидан
кўриб чиқилиши керак.**

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2025 йил 8 январдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Нукус туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 24 октябрдаги ҳал қилув қарори билан аризачи “АБК” МЧЖнинг жавобгар солиқ инспекциясининг сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Хоразм вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2025 йил 6 майдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, солиқ инспекциясининг жамиятда ўтказилган текширув материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича 2024 йил 12 июндаги қарорига кўра, жамиятга Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан 176 554 000 сўм молиявий жарима ва 32 370 000 сўмлик товарлар камомоди учун 4 фоиз, яъни 1 294 800 сўм айланмадан олинadиган солиқ ҳисобланган.

Солиқ кодекснинг 158-моддасида солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиби, шу жумладан солиқ органи раҳбарининг иш юритиш иштирокчиларини аниқлаш, уларнинг хабардорлиги ва ваколатларини текшириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ҳамда зарур ҳолларда жавобгарликка таъсир этувчи ҳолатларни аниқлаш бўйича мажбуриятлари белгиланган.

Ушбу моддага асосан солиқ текшируви материалларининг моҳиятига кўра солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари)гина ушбу материалларни кўриб чиқишга ваколатли ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, суд муҳокамасида жамиятга оид текшириш материалларини кўриб чиқишда солиқ инспекцияси раҳбари ёки унинг ўринбосари иштирок этмаганлиги ўз тасдиғини топган.

Ишни кўришда қуйи инстанция судлари томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўлиқ аниқланмаган ва келтирилган далиллар етарлича баҳоланмаган, хусусан, текшириш материалларини кўриб чиқишда туман солиқ инспекцияси раҳбари ёки унинг ўринбосари иштирок этмаганлиги ҳақидаги вазлар текширилмаган.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 29 сентябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор билан ариза қаноатлантирилган ва солиқ инспекцияси зиммасига жамиятда ўтказилган сайёр солиқ текшируви материалларини Солиқ кодексига белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

Ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2025 йил 25 февралдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Қарши туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 23 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи Чирокчи туман прокурорининг давлат ва жамият манфаатида жавобгар туман ҳокимлиги ҳаракатларини ғайриқонуний, туман ҳокимининг 2020 йил 2 июндаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Сурхондарё вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2025 йил 28 апрелдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Чирокчи тумани “Х” МФЙда жойлашган эски қишлоқ врачлик пункти биноси кадастр органидан 2014 йил 28 октябрда “Пахтакор” қишлоқ врачлик пункти номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Чирокчи туман ҳокимининг 2019 йил 25 февралдаги қарори билан “Х” МФЙ ҳудудида жойлашган “Маъмурий бино” (эски ҚВП) “О” МФЙ балансига ўтказилган.

Чирокчи туман ҳокимининг 2020 йил 26 майдаги қарорига кўра, “О” МФЙ балансидаги “Маъмурий бино” (эски ҚВП) туман ҳокимлиги балансига ўтказилган.

Чирокчи туман ҳокимининг 2020 йил 2 июндаги қарори билан давлат-шерикчилиги асосида “Х” МФЙ ҳудудидаги туман ҳокимлиги балансида турган жами 0,11 га (1.100 кв.метр) ер участкасида жойлашган эски ҚВП биноси ва ер майдонини 5 та ташаббус доирасида “Муסיқа тўгараги ва рассомчилик устахонаси, спорт зал, интернет кафе, кутубхона, китоб дўкони, тикувчилик цехи ҳамда маҳалла маркази” биноларини қуриш учун тадбиркор ББ номига расмийлаштириш ва қуришга рухсат берилган.

Ушбу қарор қабул қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда ўтказилган Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда маданият-санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш, хотин қизларни иш билан таъминлаш бўйича 5 муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисидаги видеоселекторда берган топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПКҚ-4602-сонли қарори асос бўлган.

Бироқ, ушбу видеоселектор йиғилишида ва қарорда маъмурий бинони ер майдони билан бирга тадбиркорларга тўғридан-тўғри бериш ёки қурилишга рухсат бериш назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, туман ҳокимининг низолашилган қарори қабул қилинган вақтда амалда бўлган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда ҳам маъмурий бинони ер майдони билан бирга тадбиркорларга тўғридан-тўғри бериш ёки қурилишга рухсат бериш назарда тутилмаган бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, бўш турган ёки самарасиз фойдаланилаётган давлат мулклари баланс сакловчининг розилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ёки вилоят ҳокимининг қарорлари билан тасдиқланадиган хусусийлаштириш дастурлари асосида Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан оммавий савдога чиқарилиши ва сотилиши белгиланган.

Лекин, Чирокчи туман ҳокимлиги томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилинмасдан маъмурий бинони ер майдони билан бирга тўғридан-тўғри тадбиркор номига расмийлаштиришга ва қурилишга рухсат берилган.

Ушбу қарор қабул қилинишида қонунийлик бузилганлиги жинойт ишлари бўйича Чирокчи туман судининг 2024 йил 5 апрелдаги ҳукми билан ҳам тасдиқланган.

Туман прокурори низолашилган қарор қабул қилинишида қонун бузилганлиги жинойт ишлари бўйича суд ҳукми билан исботлангач, судга мурожаат қилган.

Қуйи инстанция судлари томонидан ушбу ҳукм билан аниқланган ҳолатларнинг ишга алоқадорлиги ўрганилмаган, натижада суд иш ҳолатларига мувофиқ бўлмаган мазмунда хулосага келинган.

Шунга кўра, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 14 августдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

5-1801-2402/1750-сонли иш

Ваколатли давлат органининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳақидаги иш қабул қилинадиган қарор ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган манфаатдор шахсларнинг иштирокисиз (уларни хабардор этмасдан) кўриб чиқилиши бу қарорни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади.

Навоий вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 25 декабрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Навоий туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 14 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасига нисбатан 2024 йил 17 сентябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Сирдарё вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2025 йил 17 мартдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг махсус комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилоят ҳудудий бошқармасига нисбатан “Рақобат тўғрисида”ги қонун 29-моддаси иккинчи қисмининг 3-хатбошиси, тўртинчи қисмининг 6 ва 10-хатбошилари талаблари бузилиши ҳолати бўйича қўзғатилган ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича бошқарманинг 1-21-2024/62-сонли қарори қабул қилинган.

Унга кўра, 9769484-сонли лот билан ўтказилган электрон танлов савдоси юзасидан ўрганиш бўйича буюртмачи Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан “Рақобат тўғрисидаги” қонуннинг юқоридаги моддаси талаблари бузилган деб топилиб, ушбу бузилишларни бартараф этиш бўйича кўрсатма бериш ҳамда агентликнинг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси мансабдор шахсларига нисбатан МЖТКнинг 178-моддаси бешинчи қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш белгиланган.

“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасига кўра, рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳақидаги ишда ваколатли давлат органи, ўзига нисбатан иш юритилаётган шахс ҳамда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилинаётган манфаатдор шахслар иштирок этади. Ишда гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва бошқа қўмаклашувчи шахслар ҳам иштирок этиши мумкин. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахслар иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан тушунтиришлар бериш, далиллар тақдим этиш, илтимосномалар киритиш ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Шундай тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган “Рақобат, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомда ҳам назарда тутилган.

Низолашилган қарор келгусида аукцион савдосини ва унинг натижасида тузилган олди-сотди шартномасининг суд орқали ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлиши мумкинлиги сабабли рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузилганлиги бўйича иш бўйича қабул қилинадиган қарор савдо иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилиши мумкин бўлса-да, жавобгар томонидан ушбу корхоналар ишга жалб қилинмаган.

Судлар томонидан эса иш учун аҳамиятга эга бўлган бу ҳолатларга эътибор қаратилмаган.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 21 ноябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақидаги янги қарор қабул қилинган ва жавобгар зиммасига рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик

ҳақидаги ишни манфаатдор шахслар иштирокини таъминлаган ҳолда ва белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

5-2101-2402/721-сонли иш

**Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари
барча учун мажбурийдир ҳамда
Ўзбекистон Республикасининг бутун
ҳудудида ижро этилиши лозим.
Суд ҳужжатларини бажармаслик
жавобгарликка сабаб бўлади**

Урганч туманлараро маъмурий судининг 2025 йил 22 январдаги ажрими билан Ф.Ф.нинг суд ҳужжати ижро этилмаганлиги учун кадастр органи мансабдор шахсига нисбатан суд жаримасини қўллаш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Хоразм вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2025 йил 26 февралдаги ҳамда тафтиш инстанциясининг 2025 йил 1 апрелдаги қарорлари билан суднинг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Урганч туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 13 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи Ф.Ф.нинг аризаси қисман қаноатлантирилиб, кадастр органи мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари қонунга ҳилоф деб топилган.

Шунингдек, жавобгар зиммасига аризачининг эғалигидаги темирчилик устахонаси биносига расмийлаштирилган 2010 йил 17 майдаги кадастр ҳужжатидаги чегараларни қизил чизиқ билан белгилаш қисмини қонунчиликда белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш ва ҳал қилув қарори ижроси тўғрисида судга ва аризачига суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш мажбурияти юклатилган.

Урганч туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 13 ноябрдаги ажрими билан кадастр органи томонидан суднинг қарори ижроси ҳақида у қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилмаганлиги сабабли, кадастр органи бошлиғининг шахсий маблағларидан 375 000 сўм суд жаримаси солиниб, кадастр органи зиммасига Урганч туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 13 мартдаги ҳал қилув қарорида кўрсатилган мажбуриятни бажариш учун бир ой такрорий муддат берилган.

Урганч туманлараро маъмурий судига 2024 йил 19 ноябрда 1370-сонли ҳамда 2024 йил 27 ноябрда 1387-сонли хатлар юборилиб, уларда ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш мақсадида аризачига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғма жилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳал қилув қарори ва бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қилиши тушунтирилганлиги, кадастр ҳужжатини қайта ўрганиб чиқиш имкони йўқлиги маълум қилинган.

Шунингдек, кадастр органининг 2025 йил 12 февралдаги жавоб хати ҳамда 2025 йил 11 февралда тузилган далолатномада қизил чизиқ чегараларини филиал ўзгартириш ваколатига эга эмаслиги, қизил чизиқни тегишли тартибда ўзгартириш Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Бироқ, суднинг ҳал қилув қарори билан жавобгар томонидан Ф.Ф.нинг кадастр ҳужжатида белгиланган чегара ҳудуди қизил чизиқларини белгилаш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш тартиби бузилганлиги сабабли ариза қаноатлантирилганлиги ва жавобгар зиммасига аризачининг эгалигидаги темирчилик устахонаси биносига 2010 йил 17 майдаги кадастр ҳужжатидаги чегараларни қизил чизиқ билан белгилаш қисмини қонунчиликда белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш мажбурияти юклатилганлиги, шу сабабли жавобгар суд ҳужжатининг ижросини такроран таъминламаган ҳисобланиши судлар томонидан инобатга олинмаган.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 18 июлдаги қарори билан қуйи инстанция суди ҳужжатлари бекор қилиниб, янги қарор билан ариза қаноатлантирилган, кадастр органи бошлиғининг шахсий маблағларидан 3 750 000 сўм суд жаримаси солинган.

5-2201-2401/123-сонли иш

**Маъмурий ишлар бўйича
судлов ҳайъати**